

**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
вазирлиги ички аудит хизмати фаолиятининг 2024-йил 1-чорак  
яқунлари бўйича  
ҲИСОБОТИ**

Вазирлик Ички аудит бошқармаси томонидан жорий йилнинг 1-чорагида 4 та назорат тадбирлари ўтказилиб, шундан 1 та режадан ташқари назорат тадири ўтказилди. Назорат тадбирлари 6 та назорат объектлари бўйича ўтказилди. Хусусан, Тошкент вилояти Камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси Давлат меҳнат назорати инспекцияси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси, Хоразм вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, Қашқадарё вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, Кўкдала ва Деҳқонобод туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларида ички аудит назорат тадбирлари ўтказилиб, бир қатор молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.

Ўтказилган назорат тадбирлари якуни билан зиммасига юкланган вазифаларнинг етарли даражада бажарилишини таъминламагани, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузилишига йўл қўйганлиги ҳамда молия-хўжалик фаолиятида аниқланган молиявий камчиликларнинг олдини олиш бўйича лозим даражада назорат қилмаганлиги учун 7 нафар ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди, 14 нафар ходимларга “Ҳайфсан” интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Назорат тадбирлари натижасига кўра, молиявий хато ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида шу каби ҳолатларни такрорланмаслиги, ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш мақсадида вазирлик марказий аппарати бошқарма ва бўлинма раҳбарларига, тасарруфий ва тизим ташкилотлари раҳбарларига аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Аниқланаётган молиявий хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида, вазирлик ҳузуридаги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларини малакасини ошириш марказида Қорақолпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят бош бошқармалари, туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари бош ҳисобчилари, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланиш ва Жамоат ишлари жамғармасининг жамоат ишлари дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўйича бош мутахассислари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва интерактив хизматлар кўрсатиш бўлими бошлиқлари, “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказлари бош ҳисобчиларининг соҳавий билим ва кўникмаларини ошириш, ўрағнишларда

аниқлаётган тизимли хато ва камчилкиларни олдини олиш учун семинар-тренинг ташкил этилмоқда.

Ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш ва ошириш бўйича жорий йилнинг 1-чорагида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Жорий йил 12-февралда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида бюджет тизими бюджетларининг маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан мониторинг ва назорат тизимини ўрнатиш тўғрисида”ги Қўшма қарори ҳамда Вазирликнинг жорий йил 21 февралдаги “Қўшма қарор ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 26-сон буйруғи қабул қилинди.

Қўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида вазирликда “Ситуацион марказ” ташкил этилиб, ушбу марказда Молия-иқтисод бошқармаси, Ички аудит бошқармаси ва Коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари бириктирилиб, иш бошлади.

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Жамоат жамғармаси, Ҳунармандчилик ва қасаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаларидан ажратилаётган маблағларнинг кунлик мониторинги йўлга қўйилди.